



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва корпоратив бошқаруving замонавий тамойилларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказишнинг ички тартиблари жорий этилишини таъминласин.

2. Белгилангани:

а) Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақинланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги асосда шакллантирилади ва тасдиқланади:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган қўшма тақлифлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг электрон кооперация порталида (кейинги ўринларда — cooperation.uz портали) жойлаштирилган ҳамда тегишли сертификатларга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги маълумотлар;

б) ушбу қарор 1-банднинг "а" кичик банди:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат инстиутлари ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг бошқа тартиби ўрнатилган алоҳида қарорлари бўйича тузилмадан;

мудосаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш мақсадида амалга ошириладиган, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган харид жараёнлари ва шартномаларни нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва савдо-саноат палатаси 2020 йил 1 октябрга қадар республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақинланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. 2020 йил 1 октябрдан шундай тартиб киритилсинки, унга мувофиқ:

бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини шакллантиришда уларни cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрғанади;

корпоратив буюртмачи — корхоналар раҳбарлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг корпоратив харидларини импорт

орқали амалга оширишнинг мақсада мувофиқлигини кузатиш кенгашларига (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларига) асослаб беради;

корхоналарнинг кузатиш кенгашларидаги (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларидаги) давлат вакиллари бошқарув органлари мажлисларида умумий қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлар (ишлар, хизматлар) харидларининг асосланганлиги оид масалаларнинг кўрилишини таъминлайди, бунда ишлаб чиқариш захираларидаги импорт товарларнинг омондорлигидаги қолган қисмини уларнинг корхона фаолиятига жалб қилиниши бўйича чора-тадбирлари қўллаб-қувватланади;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар чорақда давлат вакиллари томонидан кузатиш кенгашларида (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларида) ушбу қарор талабларига риоя этилишини таҳлил қилиб, натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритади;

бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идоралар идоравий мансуб ташкилотларда импорт харидларини оптималлаштириш, шунингдек, давлат харидлари доирасида ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан тизимли назоратни йўлга қўйиш чоралари кўрилишини таъминлайди;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар ойда импорт бўйича олиб келинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва номенклатурасини таҳлил қилади, шунингдек, тармоқлар, корхоналар ва худудлар раҳбарлари томонидан импортни оптималлаштириш бўйича қўриладиган чора-тадбирларнинг натижадорлигини баҳолаб, уларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар чорақда саноат тармоқлари ва худудлар кесимида ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат заنجирини ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Марказий банк корпоратив буюртмачиларнинг офшор юрисдикция худудларида рўйхатдан ўтган компаниялар ҳисобига амалга оширган валюта операциялари тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан ҳар ойда Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминлайди;

Молия вазирлиги бюджет ташкилотларнинг келгуси давр учун харажатлар сметасини келишишда харажатлар шаклланишини, шу жумладан, cooperation.uz портали маълумотларидан келиб чиққан ҳолда товарлар қийматини аниқлаш орқали назорат қилади;

Ҳисоб палатаси ҳар чорақда импорт харидларини амалга оширишда давлат бюджетни, бюджетдан ташқари жағмармалар ҳамда корпоратив буюртмачиларнинг жалб қилинган ва ўз маблағлари мақсадида ва самарали сарфланганини таҳлил қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилар республикага импорт қилинадиган товарлар ҳажми ва номенклатураси ҳақидаги статистик маълумотлар

асосида худудларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, тегишли худудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни cooperation.uz порталида тўлиқ жойлаштирилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ой ўз комплекслари кесимида харидларни оптималлаштириш, қўшилган қиймат заنجирини ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари — давлат буюртмачилари раҳбарлари ва корхоналарнинг бошқарув органларидаги давлат вакиллари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини кўриб чиқади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Олий Мажлисга "давлат харидларининг стратегик субъекти" тушунчасини бекор қилиш, хорижда ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларидаги иштирокини тақинлаш ва чегаралаш, давлат харидлари усулларини кенгайтириш ва уларнинг шаффофлигини, шу жумладан, тендер (танлов) харидлари натижаларини очик манбаларда эълон қилиш йўли билан ошириш, шунингдек, давлат харидларида қонунчилик талабларининг бузилишига йўл қўйган давлат буюртмачилари ва кузатиш кенгашларининг жавобгарлигини ошириш бўйича меъёrlарни назарда тутуви "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини (янги таҳрирда) киритсин;

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақинланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишларга, хизматларга) преференциялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Халқаро аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда Давлат харидлари субъектларининг харид тизимини аудитдан ўтказиш жадвали иловага мувофиқ тасдиқласин.

Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган жадвалга мувофиқ импорт харидлари аудитини ўтказишда халқаро аудиторлик компаниялари билан ҳамкорликни таъминласин ва аудит натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар: cooperation.uz порталида республикада ишлаб чиқарилаётган барча товарлар (ишлар, хизматлар)нинг техник кўрсаткичлари 10 та рақамли ТИФ ТН коди ва ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ маълумотлари билан биргаликда жойлаштирилишини ҳамда мунтазам равишда янгилан борилишини;

cooperation.uz порталининг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) ва Давлат харидларининг махсус электрон портали (harid.uz) билан интеграциясини таъминласин.

8. Давлат божхона қўмитаси: давлат харидлари доирасида етказиб берилаётган импорт товарлари нархлари мониторингини "таҳлика-таҳлил" усуллари, шунингдек, "қўзғули статистика" маълумотларидан фойдаланган ҳолда кучайтирсин ҳамда сезиларли фарқ ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

божхона омондорлигида сақланаётган, муддати уч ойдан ошган товарларнинг номенклатураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотларни давлат буюртмачилари кесимида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат активларининг бошқариш агентлигига тақдим этсин ҳамда ўзининг расмий сайтида эълон қилсин;

товарлар нархини пасайтириб олиб қилинишига йўл қўймаслик бўйича юкланган функция ва вазифаларнинг самарали ижросини таъминласин.

9. "Узстандарт" агентлиги:

икки ой муддатда сифатсиз, сертификатланмаган ва қалбаки, шу жумладан, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Евросоёё Иқтисодий Иттифоқида (ЕОИИ) хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ахборот тизимларига киритилган, ЕИ ва ЕОИИ мамлакатларига олиб кириш тақинланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги ва олиб қилинаётганлиги тўғрисидаги ахборот тизимини жорий этсин;

Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 январдан хорижий мамлакатларда хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ахборот тизимига киритилган маҳсулотларни "эркин муомалага чиқариш учун" божхона режимида расмийлаштиришга тақин киритсин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро, минтақаларо ва хорижий стандартларни уларнинг асл тилидаги маҳсулотга талабларни ўзгартирмасдан худди шундай кўринишда қабул қилиш орқали, 1995 йилгача тасдиқланган 5 236 та стандартлар "тартибга солувчи гильотина" усулида бекор қилинишини таъминласин;

ишлаб чиқарган мамлакатнинг техник регламент талаблари, стандартлари ва меъёrlарига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар тўғрисида сертификация органларига маълумот юборсин ҳамда уларнинг ички бозорга муомалага чиқариш имкониятини давлат назоратини ўрнатсин;

икки ой муддатда "таҳлика-таҳлил" усулларида фойдаланган ҳолда импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан амалдаги стандартлар, техник регламентлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек, тегишли талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт ва реализация қилганини учун уларнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган акционерлик жамиятлари ва корхоналарнинг кузатиш кенгашлари билан биргаликда бир ой муддатда инвестициявий лойиҳаларни тасдиқланган молиялаштириш манбалари мавжуд бўлмаган тақдирда тўхташ ёки бекор қилиш ва ижтимоий-иқтисодий мақсада мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда корпоратив буюртмачилар томонидан тузилган амалдаги узоқ муддатли импорт шартномаларини коронавирус пандемияси ёки шартнома шартларининг ўзгариши шартинда нархларни пасайтириш имкониятлари юзасидан ўргансин;

бир ой муддатда вазирликлар, идоралар, худудлар ва корхоналар раҳбарлари томонидан инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш ва импортни оптималлаштириш масалалари юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини баҳоловчи аниқ индикаторларни (КП) тасдиқлаган ҳолда, ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир раҳбар эришган индикаторлар бўйича маълумотларни киритиб бурсин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил учун Инвестиция дастурининг манзилли қисмини ишлаб чиқишда марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган янгидан бошланадиган инвестициявий лойиҳаларни уларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий мақсада мувофиқлиги жиҳатинда пухта экспертизадан ўтказсин;

2021 йил 1 январга қадар инвестицияларини бошқариши баҳолашнинг умумқабул қилинган тамойиллари (PIMA) асосида марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни тўлиқ ва узлуксиз мониторинг қилиш тизимини, шу жумладан, инвестициядан кейинги даврда (объект ишга туширилгандан кейин 3—5 йил давомида) эришилган мақсадаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва лойиҳаларнинг амалдаги ривожлантиришга тасирини баҳолашнинг ҳар йили ўтказиш асосида мониторинг қилиниши назарда тутуви тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

12. Фарв ва нотариф тартибга солиш кенгаши икки ой муддатда халқаро тажрибани ва Жаҳон савдо ташкилоти келишувларининг қоидаларини ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига:

ташқи савдонинг тартибга солишнинг янги тартибини, шу жумладан, тариф, нотариф ва тарифли квоталаш чоралари орқали импортни оптималлаштириш бўйича тезкор қарорларни қабул қилиш бўйича янада мослашувчан механизмларни жорий этишни назарда тутуви тақин киритсин;

Импорт қилинадиган товарларга нисбатан вақтинчалик тариф квоталарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қўйидагиларга:

бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари зиммасига — давлат харидларини амалга оширишда маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш, шунингдек, очиклик ва шаффофлик тамойилларига риоя этиш юзасидан;

Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига — давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик

тақинланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига киритилган товарларнинг давлат харидлари доирасида импорт қилинишига йўл қўймаслик юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — маҳаллийлаштирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тасдиқланган кўрсаткичларнинг тўлақонли бажарилиши, инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, кичик худудий ва йирик тармоқ корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига — давлат харидлари доирасида импортни оптималлаштириш, мамлакат тармоқ ва худудларида қўшилган қиймат заنجирини ривожлантириш чора-тадбирларининг самардорлиги юзасидан;

Бош вазир ўринбосари С.У.Мурзоқов зиммасига — ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга жалб қилинадиган инвестицияларнинг самардорлиги юзасидан;

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари У.И.Барноев, Б.А.Мусаев, А.А.Абдуҳақимов, О.М.Умаров зиммасига — мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик жамиятлари ва корхоналар раҳбарлари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг сифатли ижро этилишини ташкил этиш, шунингдек, тегишли тармоқларда бюджет маблағларининг самарали ишлатилиши юзасидан;

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари А.Ж.Раматов зиммасига — марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмаган инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида импортни оптималлаштириш юзасидан;

Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига — Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, тармоқ идоралари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, кузатиш кенгашларидаги (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларидаги) давлат вакиллари томонидан ушбу қарор билан зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг якуний натижалари учун, зарур ҳолларда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш, шу жумладан, эғаллаб турган лавозимидан озод этиш бўйича тақлифлар киритиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришга ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 август куни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

"Бектемир металл конструкциялари" масъулияти чекланган жамияти металл қайта ишлов бериш заводи



Лойиҳанинг умумий қиймати 48 миллион доллар бўлиб, 2018 йилда ишга туширилган. Корхона йилига 65 минг тонна руҳланган металл, 1 600 километр йўл тўсиқлари, 130 минг тонна пайвандланган қувур ва 17 минг дона ёритиш устуни ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада жами 375 нафар муҳандис ва ишчи меҳнат қилмоқда.

"Prof-Milk" қўшма корхонаси



Мамлакатимизда чорвачилик билан бирга гўшт ва сутни қайта ишлаш тармоғи комплекс ривожлантирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда сутни қайта ишловчи 600 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда тайёрланаётган сара маҳсулотлар элимиз дастурхонидан жой олди, хорижга ҳам экспорт қилинапти. Корхонада йилига 1,5 минг тонна маҳсулот, пишлоқнинг 10 га яқин тури ишлаб чиқарилади. Жорий йилда эса эритилган пишлоқ бу қаторни тўлдириши режалаштирилган.



Автомобиль саноатида импорт қилинаётган 1 минг 712 турдаги бутловчи қисмларни юртимизда ишлаб чиқариб, валюта харажатларини камида 150 миллион долларга камайитиш мумкинлиги қайд этилди. Ушбу маҳсулотларни ўзлаштирувчи худудий корхоналарни аниқлаб, уларда юқори қўшилган қиймат яратиш вазифаси қўйилди. Автомобиллар таннархини камайитиш, бозорда рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

"БИНОКОР" масъулияти чекланган жамияти

"Бинокор" корхонасида тайёрланаётган темир-бетон панеллар кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотлар қуришда қўлланилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 1 минг 200 дан зиёд муҳандис ва мутахассислар ишлаб, йилига 150 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқараётган эди. Корхона тўлиқ қувватга чиққач, йилига яна 180 минг квадрат метр қурилиш панели тайёрланиб, қўшимча 670 та иш ўрни яратилади.



"Metal Processing" масъулияти чекланган жамияти

"Metal Processing" МЧЖда тўқимачилик корхоналари буюртмаси асосида дастгоҳлар учун қоплама ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 12 та йирик тўқимачилик мажмуаси билан ҳамкорлик ўрнатилган. Корхонада 85 нафар мутахассис фаолият олиб боради. Лойиҳа қиймати 2 миллион доллар бўлган бу масканда 50 киши иш билан таъминланган.



Бектемир тумани Тошкент шаҳри саноатининг 10 фозини таъминлайди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда саноат маҳсулоти 9 фозга, хизмат кўрсатиш 8 фозга, экспорт 11 фозга ўсган. Масалан, Бектемир туманига Тошкент вилоятининг Ўртағирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларидан жами 1 минг 639 гектар ер ўтказилади. Натижада туман худуди 3 минг 472 гектарга етади. Бунинг ҳисобига янги саноат ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш, минглаб иш ўринлари очиш имконияти яратилади.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига



# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ: ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Бошланғич 1-бетда

**Саноат салоҳияти кун сайин ошмоқда**

**Раҳматжон МАТКАРИМОВ, “Hur Muhammad Islom obod” МЧЖ раҳбари:**

— Воҳада Президентимиз ташаббуси билан эркин иқтисодий зона ташкил қилинган маҳаллий тадбиркорлар учун беқиёс имкониятлар эшигини очди. Шу кунгача ҳатто хориждан валюта эвазига олиб келинаётган бир марҳаллик тиббиёт кўлқопларини шу ерда ишлаб чиқариш лойиҳамни тақдир қилдим ва қисқа фурсатда у амалга ошди. Иқтисодий зона ҳудудидан 0,4 гектар ер майдони ажратиб беришди. Қиймати 1,6 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа учун ўз маблағимдан бир миллион доллар сарфладим, қолганини банкдан имтиёзли кредит сифатида олдим.

Йилга 14,9 миллион дона бир марҳаллик тиббиёт кўлқоплари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонамиз ўтган йили ноябрь ойида фаолият бошлади. Буни қаранки, бу ишимиз бутун жаҳонда пандемия бошланғичидан сал аввалроқ даврга тўғри келди.

Корхонамиз бу маҳсулотни ички эҳтиёжлар учунгина ишлаб чиқармасдан, балки экспорт ҳам қилапти. Жорий йилда 4,5 миллион дона маҳсулотни четга чиқаришимиз керак. Маҳсулотимизга талаб ниҳоятда катта. Корхонамизда ҳозир 55 ишчи меҳнат қилапти.

Истиқлолнинг мен каби оддий тадбиркорларга берган ва бераётган имкониятлари бу. Яқинда Президентимизнинг вилоятда тадбиркорликни янада ривожлантириш, воҳанинг инвестициявий жойбадорлигини оширишни қўлаб қарши қарори қабул қилинди. Яқин йилларда воҳада саноат салоҳияти яна бир неча баробар ошишига, ҳеч шубҳа йўқ.

“Ukor Medick” МЧЖ хусусий корхонасида тест таъқчалари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга ошмоқда. Қиймати 1,7 миллион АҚШ доллари тенг лойиҳа амалга ошгач, йилига 15 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотнинг 4,5 миллион дона хорижга чиқарилади. 23 ишчи ишлайдиган бу корхонанинг йиллик қуввати салкам 47 миллион сўмга тенг.

Пандемия шароитида бу янгиликнинг аҳамияти беқиёс. Яқин кунларда иш бошлайдиган корхона ушбу зарур тиббий ускунани ишлаб чиқаришни давлат газнасидан қанчалар валюта тежаллаши ва яна қўшимча валюта ишлаш имкониятини беради.

Қадим Хива дунёга машҳур бетакорр мезморий обидалари билан ҳаммиса сайёҳларни ўзига оҳанграбдек тортди келган. Истиқлолга бўлган даврда қадим шаҳарга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сони кўпи билан тўрт рақамда ифодаланарди, холос. Энди-чи?

**Жавлонбек ШОМУРОДОВ, вилоят туризмининг ривожлантириш департаменти директори:**

— Вилоятда истиқлолга бўлган даврда атиги иккита меҳмонхона бор эди. Мустақилликнинг ўтган чорак асри давомида сайёҳларга мўлжалланган меҳмонхоналар сони ўн баробарга ошган бўлса, охиригача икки йилда уларнинг сони яна икки баробар кўпайди. Биргина ўтган 2019 йилда маҳаллий ташаббускорлар томонидан

қиймати 244,7 миллиард сўмлик, шундан ўз маблағлари 158,2 миллиард сўм, банк кредитлари 50,5 миллиард сўмлик ҳамда хорижий инвесторларнинг 2,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағлари эвазига жами 399 та лойиҳа амалга оширилди. Яъни, сайёҳлар учун барча шароитлар жаҳоний андозаларда ташкил қилинди. Бу эса, ўз навбатида, сайёҳлар оқими ҳам кескин кўпайишига олиб келди. Биргина ўтган йили 28 та меҳмонхона фаолият бошлади. Яна 59 та оилавий меҳмонхона ҳам сайёҳларга хизмат кўрсатишга ўтди. Бу бир йилнинг ўзига икки мингга яқин меҳмон ўрни яратилганини кўрсатади.

Булари билан барчаси воҳага келаётган сайёҳлар оқими ошаётгани, уларга муносиб хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун қилинди. Бежиз эмас, биргина ўтган 2019 йилда вилоятимизга жами 2 миллион 623 минг нафарга яқин сайёҳ ташриф буюрди. Шу жумладан, дунёнинг 154 давлатидан 420 минг нафардан ортқ сайёҳ келди. Агарда рақамларни таққосласак, бир йил ичида маҳаллий сайёҳлар сони 1,5 баробар, хорижлик сайёҳлар сони эса 3,4 баробарга ўсганини кўраемиз.

**Аждодлар армони бир асрдан кейин ушалди**

**Шерзод ЖУМАНИЁЗОВ, “Ўзтемирйўловчи” АЖ Хоразм филиали раҳбари:**

— Ҳали XX асрнинг бошларида хонлиқнинг ислохотчи бош вазир Исмоилхўжа Хива шаҳрига темир йўл келтириш орузида бўлган ва Чор империяси масъулларига бу борада илтимослар билан чиққанини, аммо бу лойиҳа қозғоғда қолиб кетганини яхши биламиз.

Президентимиз уч йил олдин воҳага ташрифи чоғида Хива шаҳрига темир йўл тортиш ва шу орқали

тезюрар “Афросиёб” поездлари қатнови йўлга қўйлаётганидир.

Бир асрда амалга ошмаган улкан ишнинг икки йилда тўла рўёбга чиққани — ислохотларнинг янги босқичининг нақадар кенг кўламли ва истиқболни қўлаб қилинаётганини билдиради. Темир йўл орқали саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, зарур хомашени келтириш ва экспорт қилиш имконларини бир неча баробар ошириб юборганини ҳам алоҳида қайд қилиш ўринли.

Истиқлолга воҳа, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Йилга тўрт юз минг тонна атрофида пахта етиштирилди, кундалик эҳтиёж учун зарур бугдой ва бошқа истеъмол моллари четдан келтирилди. Ун беш, йигирма йил муқаддам фермер хўжалиқлари ташкил қилиниши билан ерга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бугунги фермер фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирибгина қолмасдан, балки чорва ва бошқа кенг истеъмол молларини тайёр ҳолда бозорга чиқарувчи тадбиркорга ҳам айланди. Бунда фермерларнинг кўп тармоқли тизимга ўтиши муҳим асос бўлди.

Ҳозирда вилоятда 3586 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 1518 таси ғалла ва пахтачиликка ихтисослашган. “Ихтисослашган” деб айтганимиз-у, аслида бугуннинг фермери айна пайтда тадбиркор, яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамдир. Ҳозирда вилоятда 1820 та фермер кўп тармоқли мақомага эга. Ушбу рақамни ҳам “вақтинчалик” дейиш мумкин. Негаки, фермерларнинг фақат хомашё етказувчилик вазифаси кун сайин камайиб бораётди.

**Еримиз унумдор, демек, ризқимиз баланд**



қадим шаҳарга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича қарорни имзолади ва унинг ижроси қисқа фурсатда амалга ошди.

Қадим шаҳар бир вақтнинг ўзига минг йўловчига хизмат кўрсатадиган замонавий темир йўл вокзалига ва барча зарур имкониятларга эга бўлди. “Тошкент — Хива” йўналишидаги йўловчи поездлари шаҳарга мунтазам қатнаётгани маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар оқимини кескин оширди. Поездлар қатнови 2018 йилнинг декабрида йўлга қўйилган бўлса, ўтган йили салкам ўттиз минг йўловчи Хива вокзалидан мамлакатимиз пойтахти ва бошқа шаҳарларга йўл олди. Шу даврда шаҳарга поезда келганлар сони ҳам шунча. Улар орасида уч минг нафардан зиёд хорижлик сайёҳлар бор. Амалдаги йилда бу кўрсаткичлар икки ҳисса ошиши режамизда эди, аммо пандемия туфайли вақтинча поездлар ҳаракати тўхтагани сабаб, режамизда ўзгаришлар бўлди. Энг қувонарлиси, қадим шаҳарга

**Юсуфбой РЎЗМЕТОВ, Боғот туманидаги “Анвар Аҳмад ўғли” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор:**

— Эсимни далада таниганман. Собиқ шўро даврида биз, деҳқонлар кимлар учундир ишчи кучини сотаётган қатламга эдик. Ва яна вилоят ўша даврларда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, саноат, деярли, йўқ ҳисса эди.

Истиқлол деҳқонга ерга эгалик ҳуқуқини берди. Вилоятда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил қилиб, халқимиз дастурхонини мўлқул маҳсулотлар билан тўлдирди, давлат газнасига қўшимча даромад келтиришдек шарафли ишга қолган умримни бағишляпман.

Пандемия забтига олган ушбу йилда ҳам зиммамиздаги мажбуриятларни ўз вақтида,

ошириб адо этиш учун бор кучимиз ва имкониятларимизни сарфляяпмиз. 48,1 гектар майдондаги бугдойдордан салкам 269 тоннага яқин ҳосил кўтардик. Бу ҳар гектардан 60 центнер деганидир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифаларни адо этиш учун бугдойдан бўшаган майдонларнинг бир қаричини ҳам қолдирмай, тақрорий экинлар экиб, улардан юқори ҳосил олиш учун кечакундуз дала бошидамиз. “Узумзор” маҳалласидаги кам таъминланган хонадонларга тақрорий экин экиши ва ўз иқтисодини тиклаб олиш учун ер ажратиб бераемиз.

Пахтамиз ҳам пишиб етилди, тез кунларда йилгига кириш тадориғини кўраемиз.

Фермер хўжалигимизда 19 нафар доимий ишчи бор. Улар етарли мош олаётгани, бундан ташқари, бугдой ва бошқа ҳосилмиздан бераётганимиз учун ўз фаолиятларидан мамнун.

Истиқлол нафақат деҳқонга ерга эгалик ҳуқуқини берди, балки қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланган давлатлар стандартлари даражасига олиб чиқилиши таъминлади. Кўп тармоқли фермер хўжалиқлари эндиликда фақат хомашё етказувчи эмас, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сотувчи ҳамдир.

Фермер хўжалиқларининг кўп тармоқли ҳамда ихтисослашгани, шунингдек, аҳолининг томорқа ва қўшимча томорқадан юксак унум билан фойдаланаётгани, бунинг учун уларга минерал ўғит, зарур техникалар етказиб берилаётганидан вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи бошқа ҳудудларга таққослаганда анча арзон.

Бугунги кунда деҳқон бозорларида унинг бир килограмми уч минг, қолип нон эса 1500 сўмдан сотилмоқда. Чорва ва паррандачилик маҳсулотлари нархи ҳам мунтазам мўътадил сақланиб турибди. Бир дона тухум 700-800, бир килограмм қорамол гўшти 40-45 минг сўм, картошканинг бир килоси 3,5 минг, сабзи эса минг сўм атрофида бўляпти.

Айниқса, сўнгги уч йилда воҳанинг иккити кескин контентал эканлигини инобатга олиб, Президентимиз ташаббуси билан йирик иссиқхоналар ташкил қилишга изчил киришилди. Аҳоли томорқаларига ҳам банкларнинг имтиёзли кредитлари ҳисобидан кичик иссиқхоналар ўрнатиб бериш мунтазам олиб бориляпти.

Бугун иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ички бозорни таъминлаб, бозорлар тўқинлиги, нархлар мўътадиллигини бир меъёрга ушлаб туришдан ташқари, қўшни давлатларга ҳам валюта эвазига сотиляпти.

Айни пайтда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари чорва, парранда, асаларчилик, балиқчилик, савдо шохобчалари ташкил этишдан ташқари, тадбиркорликнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланмоқда. Мисол учун, “Жавоҳир Сарварбек” фермер хўжалигида замонавий тилдаги иссиқхона, “Муҳаммад Расулбек” фермер хўжалигида йирик совутич қурилган. “Қуронбой Соҳид” фермер хўжалиги тикувчилик маҳсулотлари, “Тўмарис Нур” фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари, “Мазмур” фермер хўжалиги пишган гишт, “Жилворд Бобурмиро” фермер хўжалиги тозаланган ичимлик суви, “Олим Худойберганов” фермер хўжалиги пластик ойна ва эшик ромлари ишлаб чиқариш билан шуғулланяпти. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Яна бир гап. Мева ҳамда полиз-сабзавот маҳсулотларини бутун йил

давомида сифати бузилмаган ҳолда сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида сўнгги уч йилда вилоятда сифими 200 тоннадан минг тоннагача бўлган 70 га яқин замонавий музлатгичли омор қурилди. Муқаддам бундай сифимли совутичлар умуман бўлмаган.

\*\*\*

Истиқлолга воҳада балиқчилик кустар бир кўринишда бўлган, эндиликда эса бу тармоқ саноат кўринишига эришди. Бугун воҳада 579 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар ихтиёрида беш минг бир юз гектар табиий ва олти минг тўрт юз гектар сунъий қўл ҳавзаси мавжуд. Бунинг натижасида амалдаги йилнинг олти ойида вилоят балиқ етиштириш бўйича мамлакатимизда биринчи ўринга кўтарилди. Шу даврда воҳалик балиқчилар 5607 тонна маҳсулот етиштириб, аҳолига етказиб берди. Йил охиригача бу кўрсаткич яна икки баравар ортиси кутулмоқда.

Истиқлолга воҳада балиқчилик кустар бир кўринишда бўлган, эндиликда эса бу тармоқ саноат кўринишига эришди. Бугун воҳада 579 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар ихтиёрида беш минг бир юз гектар табиий ва олти минг тўрт юз гектар сунъий қўл ҳавзаси мавжуд. Бунинг натижасида амалдаги йилнинг олти ойида вилоят балиқ етиштириш бўйича мамлакатимизда биринчи ўринга кўтарилди. Шу даврда воҳалик балиқчилар 5607 тонна маҳсулот етиштириб, аҳолига етказиб берди. Йил охиригача бу кўрсаткич яна икки баравар ортиси кутулмоқда.



**Истиқлол бераётган имконларнинг чеки йўқ**

**Қудрат ИСКАНДАРОВ, “Бойхон балиқлари” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Воҳанинг Қорақумга туташ этакларида қолдиқ қўллар қаюмдан мавжуд. Олдинлари бу ерлар ташланғиқ бир ҳолатда эди. Мустақиллик даврида, айниқса, сўнгги йилларда вилоятда балиқчиликни ривожлантириш мисли қўрилмаган тус олди. Мазкур ҳудудларда тадбиркорларга балиқчилик фермер хўжалиқлари ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратилди. Мен ҳам ўтган йили ушбу ҳудуддан 68 гектар ер майдони олдим ва унинг 48 гектарида сунъий қўл ҳавзаси қаздириб, балиқчиликни бошладим. Фаолиятимиз ривожини учун “Ипотeka” банкидан бир миллион сўмлик имтиёзли кредит олишимга тўғри келди. Сунъий қўл ҳавзасида дастлабки йилги ҳосилимиз чакки эмас — юз тоннача тош босди. Балиқларни пандемия шароитида бевоҳоти сайёр савдо усулда аҳолига етказиб бердик.

Эндиликда балиқчилик саноат кўришига ўтмоқда. Бу ишга воҳада биринчи бўлиб киришган устоз балиқчи Отабой ака Оллаберганоғнинг “Хоразм балиқхона аэро” МЧЖ корхонасида бўлиб, бу ердаги иш тажрибасини ўргандик. Бу инсон Президентимиз ташаббуси билан воҳада ilk консерва заводи қурди, балиқчиликни саноат даражасига олиб чиқди. Менинг ниётим ҳам келгусида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш, шу билан бирга, четга экспорт ҳам қилишдир.

Оддий балиқчиликка истиқлол берган имконлар, яратилган шарт-шароитларнинг саноғига етиш қийин.

Оддий балиқчиликка истиқлол берган имконлар, яратилган шарт-шароитларнинг саноғига етиш қийин.

**Оддий нафақахўр эътирофи — бугуннинг кўзгуси**

Истиқлолга воҳада балиқчилик кустар бир кўринишда бўлган, эндиликда эса бу тармоқ саноат кўринишига эришди. Бугун воҳада 579 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари алоқачон интенсиви боғлар барпо этишга киришган.

Ҳозир эса гап фуқароларнинг шахсий томорқасида барпо этган боғларининг самараси ҳақида боради. Буни яхши-си, суҳбатдошимиздан эшитсак:

**Юсуфбой САЪДУЛЛАЕВ, меҳнат фаҳрийси:**

— Хоразмда азалдан ҳар бир ҳудуд ўзига хос мевалар билан машҳур бўлган. Бизнинг Боғот туманимиздаги Деҳқонобод қишлоғи аҳли тошфи узум етиштиришининг ҳадисини олган.



**Қишлоғимизда аҳоли ўта зич яшайди, очиқ ер майдонлари деярли қолмаган. Аммо қишлоқдошларим бошқалардан кам яшайди, ҳатто устун томонларимиз бор.**

Ўзимдан мисол: шахсий ва қўшимча томорқамдаги узумзорлардан ҳар йили ўртача 30-35 миллион сўм даромад оламиз. Шу томорқам орқасидан икки ўғлимни уйлантирдим, уларга иморат қуриб бердим. Яна янги енгил машина ҳам харид қилдик. Баҳордан куз бошлангунгача бўлган олти ойда оиламиз аъзолари қилаётган меҳнатлари самараси бу. Яна етиштирган узумимизни халқаро юк ташувчи машиналарда бошқа давлатларга олиб кетишди. Ҳосилнинг ҳақини боғ бошида санаб оламиз.

Истиқлол ҳар бир фуқаронинг ҳалол меҳнатини қадрлаб, уни муносиб рағбатлантиришига имкон берди. Айрим одамларнинг томорқасига белги-сандларча қараб, пул топиш илнжида чет элларга кетишини шу маънода ҳеч қабул қила олмаيمان. Ишла — имкон бор, меҳнатинг самарасини кўр!

Неча йилки деҳқонободликлар хонадон бошига енгил машина харид қилиш кўрсаткичи бўйича вилоятда биринчи погонани эгаллаб келади. Қишлоқдаги ҳар юз хонадондан саксонтасида замонавий енгил машина мавжуд. Айрим хонадонларда ҳатто икки ва ундан кўпроқ енгил автомобиллар бор.

Қишлоқ аҳли буни истиқлол берган эркинликлар меваси деб қабул қилиши бежиз эмас.

Хулоса шуки, қадим Хоразм аҳли истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида улкан ишларни амалга оширмоқда. Ва шунга яраша, тўқ, фаровон, ўтаётган ҳар бир кундан рози бўлиб яшамоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Президент ташрифидан сўнг...



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғич 1-бетда

Хозир бозорларимизни тўлдириб турган хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани кўпчиликлари яхши маълум. Улар қаторида хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда маҳаллий корхоналарда тайёрланаётган сут ва пишлоқ маҳсулотлари ҳам бор. Аини вақтда мамлакатимизда сутни қайта ишловчи 600 дан зиёд корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган сара маҳсулотлар нафақат нархининг арзонлиги, балки чет элликдан қилинмайдиган кўриниши, қадоқлиниши ва, энг муҳими,

# ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ҚАНОТИ



маҳаллий шароитда энг сара пишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Швейцариянинг "Tanotrade" AG компанияси ташаббуси ҳамда 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестицион маблағлари ҳисобига ташкил этилган хорижий корхона жорий йилда иш бошлади. Аини пайтда бу ерда 20 на-

бўлди, — дейди "Prof-Milk" компанияси раҳбари Шуҳрат Миррахимов. — Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиб, уни барқарор хомашё билан таъминлаш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди. Бу топшириқлар мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Боиси, бугун дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам пишлоқ маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бизнинг мақсадимиз бозорлардаги маҳаллий пишлоқ турларини кўпайтириш билан бирга, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали импорт ўрнини босиб ҳамда аҳолининг ушбу турдаги егуликларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Бу борада Шуҳрат Миррахимовнинг швейцариялик ҳамкорлар билан фикри бир жойдан чиқди. Ҳар иккала томоннинг келишуви асосида 2017 йил охирида корхонага тамал тоши қўйилди. 2018 йилда маҳсул лойиҳа ишлаб чиқилди ва унга Испаниянинг "Fibosa" автоматлаштирилган технологияси ўрнатилди. 2019 йилнинг куз ойларида у тест режимда ишлаб бошлади.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, пишлоқнинг ҳар тури учун керакли таркибини олиб келиб, уни ишлаб чиқариш жараёни 2 ойдан 4 ойгача вақт олади. Маҳсулотнинг маъқул келадиган

турини танлаб олиш учун эса бир неча марта синовдан ўтказиш талаб этилади. Тест режими жараёнида 20 дан ортик пишлоқ турлари устида синов ишлари олиб борилиб, адаптациядан ўтганлар ишлаб чиқаришга олиб қолинди. Ҳозирда энг сўнгги румуддаги технология ёрдамида корхонада "Kaser" (немисча сўз бўлиб, "пишлоқчи", "пишлоқ пиширувчи" маъноларини англатади) бренди остида 10 га яқин пишлоқ турлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонага ўрнатилган илгор технологияни тайёрлашда ишлаб чиқариш қуввати ва бу жараёнларни юртимиз шароитига мослаштириш каби жиҳатлар ҳисобга олинган, — дейди Шуҳрат Миррахимов. — Ҳозирги кунда мамлакатимизда пишлоқ пиширувчи касби ривожланмагани боис, замонавий ускунани амалда қўллаш учун хорижлик технологлар жалб қилинди. Улар 1-1,5 йил давомида ишлаб чиқаришни назорат қилади ва корхона ишчиларига қурилма бошқарувини ўргатади.

қаратилади. Бу борада у ISO 22000 тизимига киритилиб, "Халол" сертификатини олган компаниялардан бири саналади. Бу ерда барча жараёнлар, ҳатто, бинони қуришда ҳам сифат талабларига риоя этилган. Корхонага қарашли 90 сотих майдоннинг 2,5 минг квадрат метрига бино қурилиб, қолган қисми тоза зона сифатида бўш қолдирилган.

Бинонинг ички қисми эса тўлиқ автоматлаштирилган линия асосида ишлайди. Замонавий ускуналарнинг бари компьютер орқали бошқарилади. Гиғиеник қоидаларга риоя қилиш ҳамда маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида корхонадаги барча иш жараёнлари ёпиқ ҳолда амалга оширилади. Пишлоқ ва уни тайёрлашда қўлланиладиган маҳсулотлар эса 450 тонна сизимга эга маҳсул пишлоқ этиштириш камераларида сақланади. Ундаги ҳарорат, намлик ва бошқа зарур меъёрлар автоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади.

Пишлоқ ишлаб чиқаришда асосий хомашё, шубҳасиз, сут маҳсулотлари ҳисобланади. Мутахассисларнинг айтишича, бир килограмм пишлоқ ишлаб чиқариш учун ўрта ҳисобда 10 литр сут керак бўлади. Корхона тўлиқ куб ватда ишга тушгач, сутга бўлган бир кунлик эҳтиёж 50 тоннагача етади.

Аини вақтда сут етказиб бериш бўйича Тошкент ва Сирдарё вилоятидаги 4 та фермер хўжалиги билан шартнома имзоланган бўлиб, маҳсулотни олиб келиш учун маҳсул автомашиналар ажратилган.

— Сифатли ва мазали пишлоқ ишлаб чиқариш учун, биринчи навбатда, сифатли сут зарур, — дейди Шуҳрат Миррахимов. — Бундан ташқари, пишлоқларни тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳамда маҳсулот таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда аҳолимиз севиб истеъмол қиладиган хориждан олиб келинаётган пишлоқларнинг ҳаммасини ҳам ҳақиқий пишлоқ, деб бўлмайди. Сабаби, уларнинг аксариятига маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида сут таркибидаги қаймоқ ўрнига ўсимлик мойи қўшиляпти. Бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пишлоқ маҳсулотлари эса фақат суддан тайёрланади, унинг таркибига ўсимлик мойи ва бошқа қўшимчалар қўшилмайди. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, халқимизга тақдим қилишдан иборат.

Маҳсулотлар нархлари ҳамёнбop. Корхона бугунги кунда бир суткада 50 тонна сутни қайта ишлаб, 5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. У тўлиқ қувватда ишга тушганидан кейин бир йилда 1,5 минг тонна маҳсулот тайёрланади.

Яқин ойларида Италиянинг "Грано Подано", "Пармезан", маҳаллий турлардан "Чўпон" пишлоқларини ишлаб чиқариш, маҳсулотларини кўшни давлатлар ҳамда хориж бозорларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда корхонада эрилган турдаги пишлоқларни ҳам тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳа амалга ошириш учун инвесторлар томонидан умумий қиймати 156 минг АҚШ доллари миқдоридa пул маблағи ажратилган.



сифати билан одамларимиз ишончини қозонмоқда.

Президентимиз шу йил 21 август куни фаолияти билан танишган Бектемир туманидаги "Prof-Milk" корхонаси ҳам

фарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Маъму тўлиқ ишга туширилган, жами 50 тага яқин иш ўрни яратилади.

— Давлатимиз раҳбарининг корхонамизга ташрифидан биз учун қувончли воқеа

## Тоза ва сифатли маҳсулотлар

Мазкур корхонада асосий эътибор сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга

## Янгича ёндашувлар

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ — ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

Тоҳир ҚўЧҚОРОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, иқтисод фанлари доктори

Электрон тижорат инновациялар, рақобатбардорлик ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир. Сўнгги бир неча йил ичида глобал электрон тижорат савдоси ўн баравар ўсди. Халқаро "eMarketer" тадқиқот компаниясининг маълумотига кўра, 2019 йилда бутун дунё бўйича электрон тижорат савдосининг ҳажми 3,535 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, ушбу кўрсаткич қарийб икки баробар ортиши кутилмоқда.



Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш шароитида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, улардан бири — хорижий интернет дўконлардан товарларни етказиб бериш вақтини қисқартириш ва бизнинг интернет дўконлардан хорижга юборилаётган товарларнинг ўтказилишини энгиллаштириш лозим бўлади.

кўра, электрон тижорат иштирокчиларига қатор имтиёз ва қулайликлар берилган бўлиб, бу соҳа ривожига хизмат қилади. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари хизматлар кўрсатиши жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, ҳабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа хужжатларга тенглаштирилди, пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкка топшириш шарти билан нақд пул шаклида қабул қилиниши мумкин. Электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларидан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг кор-

албатта, мамлакат миқёсида товар ва хизматларнинг шаффоф ва реал нархларда бўлишини таъминлашга, вақтинг тежаллишига, коррупциянинг олдини олишга ва бюджет маблағларининг тўғри ва самарали ишлатилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари Жаҳон банки ва турли халқаро ташкилотлар томонидан тан олинди ва унинг самарали эканини тасдиқлади.

Бундан ташқари, электрон тижоратнинг бошқа асосий сегментларида, яъни, B2C (бизнес ва истеъмолчи), B2B (бизнес ва бизнес), C2C (истеъмолчи ва истеъмолчи), B2G (бизнес ва давлат) йўналишларида ҳам тўб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлар орасида электрон тижорат тизимлари соҳасида яратилган имкониятлардан фойдаланиш, турли солиқ, сув, электр хизматларини электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш, интернет тизими орқали турли электроника молларини ва бошқа товарларни сотиб олиш каби йўналишлар кенгайиб бормоқда. Пандемия шароитида электрон тижорат хизматлари ҳажми бир неча баравар ошиб кетди. Айниқса, электроника товарларини АҚШ, Хитой ва бошқа давлатлардан электрон тижорат воситаси ёрдамида (Alibaba, Google, JD.com ва бошқалар) сотиб олиш ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда.

Тобора ҳажми ошиб бораётган электрон тижорат бозори маҳсулотлари бўлиши хорижий постларга бўйлаб кириб келиши, мисли қўрилмаган миқдордаги алмашувни юзага келтирмоқда ва турли мамлакатлар почта ҳамда божхона хизматлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар қачонгидан ҳам мукамаллаштиришни тақозо

этомқда. Мавжуд божхона тартиби ва тартибга солиш механизмлари бугунги кунда электрон тижоратнинг жадал ўсишига мослашиши заруратга айланди. Шу жиҳатдан олганда, янги электрон тижорат бозорининг ривожланиб бориши Жаҳон почта иттифоқининг Халқаро божхона ва транспорт идоралари (Жаҳон божхона ташкилоти), Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси, Халқаро фуқаро авиацияси уюшмаси билан глобал логистика тармоғининг узлуксиз, мувофиқлаштирилган ва ишончли ишлашини таъминлаш масаласида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни кун тартибига қўйяпти.

Жаҳон божхона ташкилотининг почта жўнатмаларининг божхоналарда расмийлаштируви бўйича қўшма қўлланмасига биноан, божхона маъмурияти тайинланган оператор билан ҳамкорликда божхона орқали ўтадиган почта жўнатмаларини чиқариш тартиб қоидаларини соддалаштириш, амалда стандарт процедураларни мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилишига амалий ёрдам бериши лозим. Божхона ҳамкорлик кенгашининг товарларни божсиз қабул қилиш бўйича тавсияси мавжуд бўлиб, агар улар совғалар бўлса, уларнинг қиймати 41 АҚШ долларидан ошмаса тўлов олинмаслиги ва қайси товарлар совғалар тоифасига кириши мумкинлиги кўрсатилган. Бироқ ушбу йўналишда ҳам тартибга солинмаган импорт фаолиятини камайтириш учун давлатлар томонидан чеклов чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон фуқароларининг чет элдан товарларга буюртмалар бериши тобора кенгайиб бормоқда. Интернет ва мобил иловаларнинг ривожланиши бу имкониятларни кенгайтирмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 23,9 миллион, смартфонларнинг сони эса 19 миллиондан ортиқроқдир.

Президентимизнинг 2020 йил 6 февралдаги "Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан жисмоний шахслар томонидан республикага божхона тўловлари олинмайдиган товарларни олиб киришнинг чегараланган меъёрлари белгиланган бўлиб, халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун бир календарь чорак мобайнида 1 000, халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун 100 АҚШ долларини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 ноябрдаги "Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибинини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб нотижорат мақсадлар учун юртимиз давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали қўл юкида ва кузатиб борилаётган бағажда товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қўнун хужжатларида белгиланган божхона божини, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Шунингдек,

божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида ягона божхона тўлови ҳамда ҳар бир килограмм юк учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси белгиланди, бу жисмоний шахс томонидан олиб киришнинг максимал меъёрлари ошиб кетганда ундирилади.

Албатта, бу каби ўзгаришлар юртимизда электрон тижоратнинг ривожланишига тўқинлик қилмаслиги, аксинча, унинг янада тараққий этишига хизмат қилиши лозим. Жаҳон миқёсида пандемия шароитида кўпгина халқаро авиарейсларнинг тўхтатилиши, юкларни етказиб беришнинг кескин сусайиб кетиши натижасида бир қатор муаммолар келиб чиқиши сабабли халқаро почта ва етказиб бериш тизимларини янада такомиллаштириш, бунда электрон тижорат тизимини янада кенгайтириш зарурати келиб чиқди.

Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш шароитида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, улардан бири — хорижий интернет дўконлардан товарларни етказиб бериш вақтини қисқартириш ва бизнинг интернет дўконлардан хорижга юборилаётган товарларнинг ўтказилишини энгиллаштириш лозим бўлади. Хусусан, бу борада халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, маҳсул божхона омборхоналарини яратиш ва улар фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш ҳам кенг қўлайлик туғдирар эди.



Бунинг учун Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозғоғистон ва яқин келажақда Афғонистон бозорларига йўналтирилган бонд зоналарини яратиш мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан трансчегаравий савдо алоқаларининг янада ривожланишига, яратилажак божхона бонд зоналари электрон тижорат орқали жўнатилаётган товарлар етказилиб берилишининг тезлашишига ва мижозлар учун қулайликларнинг янада ортишига имконият яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни ҳам электрон тижорат йўли билан бошқа давлатларга жўнатиш йўлининг механизмлари ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу масалаларни мутахассислар иштирокида синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва лозим бўлганда мавжуд норматив ҳужжатларга тўзатишлар киритиш орқали амалга ошириш мумкин.

Яқин истиқболда жаҳон савдо айланмаси тез, қулай ва арзон бўлган электрон тижорат тизимига тўлиқ ўтишга ҳозирлик қўряпти ва уни ўзига тўлиқ мослаштирган, қулайлик ва афзалликларидан кенг фойдаланаётган мамлакатлар катта имкониятларга эга бўлиши, жуда қўлпа аҳолининг иш билан таъминлишини қўзғаяпти. Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда ва уни янада тараққий эттириш йўлларини излаб топиш, амалиётга табиқ этиш муҳим вазифалардан бирига айланиши учун барча имкониятларини ишга солишимиз зарур.



поратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди, виртуал терминаллар (E-POS) шу турдаги назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларига тенглаштирилади. Электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш қўнун хужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олаётган товар ва хизматларни 100 фоиз электрон савдо тизими орқали амалга оширишга ўтди. Бу,

Тараққиёт мезонлари

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ:

## Электрон ҳужжат алмашинувиға ўтишдаги муҳим қадам



Фирюза МУХИТДИНОВА, ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори, “Маърифат” тарғибчилар жамияти аъзоси

Карантин бизни кўп нарсага ўзгача ёндашишга ўргатди. Йиллар давомида қотиб қолган тушунчаларни парчалаб, янги билимлар, замонавий технологияларни чуқурроқ ўрганишга, хизмат кўрсатишнинг электрон усулларида фойдаланишга мослашдик.

Айниқса, қисқа вақт ичида кўплаб соҳалар қатори таълим ва меҳнат муносабатларида масофавий тизимнинг шакллантирилиши фаолият юритишда қатор кулайликлар яратиш билан бирга, коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бугун бирор ишга жойлашиш учун бўш жой излаб, ташкилотта-ташкилот овоза бўлишга ҳолат қолмади. Буш иш ўринлари ҳақида интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган аниқ ва ишончли маълумотлар, иш берувчиға тақдим этилаётган электрон ҳужжатлар фуқаро ва ташкилотлар учун муносиб номзодларни тез ва қулай топиш имкониятини берилади.

Меҳнат ва ҳатто ўқиб билан боғлиқ муносабатларда электрон ҳужжат айланиш тизимининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда очкиқлик, шаффофлик ва ортиқча сарсон-саргардонликка барҳам берилгани қувонарли ҳолатга олиб келди, десак муволажа бўлмайди. Келинг, биринчи галда эътиборни ёшлар масаласига қаратсак. Айна дамда барча таълим йўналишларида, лицей ёки олий ўқув юрти бўлишидан қатъи назар, ҳаммасида ҳужжатларни қабул қилиш жараёнилари электронлаштирилди. Қабул, имтиҳон ва бошқа жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар ўқув муассасасининг расмий веб-сайти ёки ижтимоий тармоқлардаги манзиллари орқали эълон қилинмоқда. Арзимасдек

ортаётганини ҳис қиламан. Мана буни катта натижа ва келажак учун яратилган пойдевор, деса бўлади.

Ёшларга бир вақтнинг ўзида бешта олий ўқув юртини танлаш имконининг берилиши-чи? Бўлар экан-ку?! Мана, шу юртининг эртасини ўйлаб қилинаётган ислохот, мана, ёшлар орзусининг амалий ифодаси... Билимли йигит-қизларнинг чуқурроқ таълим олиши учун муносиб шароит яратилган давлатнинг бугунги ислохоти, албатта, тарихда қолади. Чунки бу давлатни бошқаришга қодир янги авлод, янги кадрлар етишиб чиқади.

Таълимнинг кейинги — магистратура босқичида ҳам бугун янгича ёндашувлар кўзга ташланапти. Унда ўқишни истовчилар учун magistr.edu.uz портали орқали ариза юбориш тизими йўлга қўйилди. Юртимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли олий таълимнинг кейинги босқичларида тахсил олиш истагидаги ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Хусусан, шу йилнинг 30 июль ҳолатига кўра, 65 минг 875 нафар абитуриент магистратурага кириш учун ариза топширган. Бу кўрсаткич ўтган йили жами 25 минг 913, 2018 йилда эса 11 минг 999 кишини ташкил қилган эди. Буларнинг бари таълим соҳасидаги энгиллик, қулайлик ва янгиликлар. Ана шундай янгилик меҳнат муносабатларида ҳам жорий этилгани диққатга сазовор. Жумладан, биринчи бор биз масофадан ишлашни ўргандик: унинг ўзиға хос томонлари, айниқса, ҳуқуқий жиҳатлари бугун барчани қизиқтириши табиий.

Пандемия сабаб кўплаб корхона-ташкilotлар ходимлари масофавий ишлаш тизимига ўтгани аввалга айрим қийинчиликларни юзага келтирган бўлса, бугунга келиб ушбу ёндашув ахборот алмашинувининг замонавий ва қулай шаклларида бириға айланди. Юртимизда масофавий меҳнат муносабатларининг қонуний асослари яратилган бўлиб, Меҳнат кодекси ва Меҳнатга оид ҳуқуқ бўйича бошқа ҳужжатларнинг амал қилиши масофавий ишловчи ходимларга ҳам нисбатан татбиқ этилади. Уларнинг ҳар кун ва ҳар ҳафта белгиланган вақтларда дам олиш, иш ҳақини тўлиқ ҳажмда олиш, ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олиш, рағбатлантирувчи тўловлар каби ҳуқуқлари бошқа ходимларники сингари кафолатланган.

Шунингдек, масофавий ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруққа тегишли бўлимлар томонидан қуйидагилар киритилиши лозим:

- бухгалтерия ёки бош бухгалтер — иш ҳақини қайта ҳисоблаш (зарур бўлса), уни тўлаш тартибини белгилаш (100 фоиз пластик карточкаларга ўтказиш), фойдаланилаётган техник воситалар, мобиль алоқа ва интернет учун компенсацияларни ҳисоблаш (бу қўшимча қилишувда қайд этилган бўлса);

тушунмовчиликларни юзага келтирмай, ортиқча овозагарчиликларсиз масофавий ишга тез ва осон ўтиш таъминланади. Ҳужжатда масофавий ишловчи ходимларнинг иш графигини ҳам акс эттирган маъқул. Масофавий ишда ходим ишлаш муддати ва тартибини унинг ҳажмидан келиб чиқиб мустақил равишда белгилайди, иш графиги эса томонларнинг келишувиға кўра аниқланади.

Ходимларни бундай буйруқ билан ҳар қандай қулай усулда — электрон почта, мессенжерлар ва ҳоказо орқали таништириш зарур. Улар иш жойларига қайтган заҳоти буйруқ билан танишганликларидан гувоҳлик берувчи “жонли” имзоларини олиш лозим бўлади.

Масофавий меҳнатнинг дам олиш, яъни таътил билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўпчиликини қизиқтиради. Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш карантин даврида давлат органлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкilotлар ходимларини масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби белгиланган. Ушбу фармонға асосан, коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинға жойлаштирилган, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси, васийлари, ҳомийлари билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақдирининг олдини олишга қаратилган. Эътибор беринг, тақдир фақат меҳнат шартномасини ходим билан иш берувчи ташаббусиға кўра, яъни Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмида назарда тутилган асосларға кўра, бекор қилишға татбиқ этилади. У меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа асослариға — ўз хоҳиши, тарафларнинг келишувиға кўра, шартнома муддатининг тугаши, тарафлар ихтиёриға боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ва бошқаларға дахл қилмайди.

Фуқаролар яна бир жиҳатни яхши билишлари лозим. Меҳнат кодексидан назарда тутилган умумий қоидаларға кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва ходим меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишға йўл қўйилмайди.


Ҳомиладор ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг ҳам меҳнат муносабатлари муҳофазасида бўлади. Фақатгина корхона тугатилганина, истисно ҳолат сифатида меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Пандемия шароитида масофавий меҳнат муносабатлари электрон тизим орқали бошқарилади. Барча ҳолатлар 2004 йилда қабул қилинган “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунға мувофиқ, иш берувчи ва ходимнинг электрон боғланишлари билан амалга оширилади.

Бугунги кунға келиб, бир вақтлар ғайритабиий тўюлган электрон рақамли имзо ҳам оммалашиб бормоқда. У электрон ҳужжатдаги хатолар йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо ҳисобланади. Айна пайтда электрон ҳужжат ва қозғалди ҳужжат бир хил кучға эға бўлиб, уни тақдим этиш ҳеч қандай эътирозларға сабаб бўлмастлиги керак.

Электрон ҳужжат айланиши ҳозирги масофавий меҳнат шароитларида фуқароларни сарсон-саргардонликдан асрайди, имзолаш, олиб бориб бериш, мижоз ёки етказиб берувчи имзосини кутиш, ҳужжатни қайтариб келиш сингари ташвишларға кетадиган вақтни тежаб, меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратлади.

Бир сўз билан айтганда, илм-маърифат ривож топаётган янги даврнинг янги шароитларида электрон ҳужжат айланиши билим олиш борасидаги ҳуқуқларни ҳам, масофавий меҳнат шароитида барча фуқароларнинг меҳнат мижоз ёки етказиб берувчи имзосини кутиш, ҳужжатни қайтариб келиш сингари ташвишларға кетадиган вақтни тежаб, меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратлади.



Ирода АНВАРЖОН қизи, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун аксарият ривожланган мамлакатлардаги каби юртимизда ҳам турли соҳаларни ривожлантириш, тизимларда мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишда давлат ва хусусий сектор ресурсларини бирлаштириш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Мазкур амалиётни уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ҳам фаол татбиқ этиш соҳаға хусусий инвестицияларни жалб қилиш, аҳолиға тақдим этилаётган коммунал хизматлар сифатини оширишға хизмат қилаяпти.

# ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

## Йирик ва истиқболли лойиҳаларға йўл очмоқда

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, уни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий, институционал база яратилган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий асос бошқа соҳалар қатори уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва аҳолиға кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини оширишда давлат ва хусусий сектор ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кенг шароитлар яратиб берилади. Бу борада тақдим этилаётган имтиёз ва қулайликлар ўзaro ҳамкорликдаги йирик лойиҳаларға йўл очмоқда.

зарур бўлган моддий техника базаси яратилади.

Наманган шаҳрида ҳам оқова сув тозалаш иншоотини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларға кўра, тахминий қиймати 50,4 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳанинг концепцияси ва тегишли ҳужжатлари тайёрланди ва тасдиқланди. Йил якуниға қадар тендер савдолар ўтказилиб, лойиҳани амалга оширишға киришилади.

Унинг концепцияси ва тендер ҳужжатлари Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомға мувофиқ,

белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар бўйича ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни олиб келишда божхона тўловларини (божхона расмиллаштириш учун йиғимлардан таъқари) тўлашдан овоз этилади. Бу каби имтиёзлар ўзaro манфаатли ҳамкорлик асосида давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини соҳаға жорий этиш кўламини янада кенгайтирмоқда.

Франциянинг “SUEZ International” компанияси билан имзоланган шартнома ҳам ўзaro ҳамкорликка асосланади. Умумий қиймати 185,4 миллион евро бўлган лойиҳа мақсади Тошкент шаҳрида сув таъминоти сифатини яхшилашға қаратилган. Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Бекобод, Бука, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой ва Қизирчиқ туманларида сув таъминоти сифатини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида яхшилаш ва модернизация қилиш бўйича тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилнинг 5 август кунини давлатимиз раҳбари раислигида энергетика, транспорт ва табиий соҳалар билан бир қаторда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида давлат-хусусий шерикликини кенгайтиришға оид тақдимотлар ўтказилиб, бу борада бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ичимлик сув, канализация ҳамда иссиқлик тизими объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ривожлантириш бўйича аниқ ва асосланган тартибда тақдирлар ишлаб чиқилиб, имкониятлар ўрганилмоқда. Унга кўра, тақдир этилаётган лойиҳаларнинг давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга ошириш имкониятлари мавжуд, деб топилди, давлат шериги томонидан ташаббус кўрсатилади ва тайёрланади.

— Бугунги кунда айнан мана шу тартибда ичимлик сув, канализация ва иссиқлик таъминоти соҳасида 40 дан ортиқ объектни давлат-хусусий шериклик механизми асосида ривожлантириш, соҳаға хусусий секторни жалб қилиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда, — дейди Алипошшо Аҳмедов. — Улар орасида ичимлик ва оқова сув таъминоти бўйича 18 та, иссиқлик таъминоти бўйича 14 та лойиҳа тақдир этилган. Вазирликнинг дастлабки режалариға кўра, кейинги 3 йил давомида ичимлик сув таъминотининг 30 фоизи, канализация хизматларининг 10 фоизи, иссиқлик таъминоти тизимининг 20 фоизи давлат-хусусий шериклик механизми асосида бошқарува берилиши режалаштирилмоқда. Айтиш жоизки, соҳаға ушбу тизимнинг кенг татбиқ этилиши ичимлик сув таъминоти, канализация хизматлари ва иссиқлик таъминоти инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий инвестицияларнинг фаол жалб этилиши, бюджет харажатларининг камайиши ҳамда амалиётлар илгор бошқарув тажрибаси кириб келишиға хизмат қилади. Бу эса соҳадаги мавжуд муаммоларни ўзaro манфаатли шароитларда тезкорлик билан самарали ҳал этилиши, пивовардида аҳолиға кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишиға олиб келади.



Ана шундай лойиҳа битимларининг бири жорий йилнинг 27 январь кунини уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда “City Building Sales” МЧЖ ўртасида имзоланди. Унга кўра, Хоразм вилояти Янгиариқ ва Янгибозор туманлари ичимлик сув таъминоти тизимлари 10 йил мобайнида “City Building Sales” МЧЖ томонидан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарилади. Лойиҳалар доирасида мавжуд инфратузилмани реконструкция қилиш ва ривожлантириш ҳамда аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида хусусий шерик томонидан 14 миллиард 430 миллион сўм миқдорда хусусий инвестиция маблағлари киритилиши белгиланган.

— Мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш орқали Янгиариқ тумани аҳолисининг ичимлик сув таъминотини 34 дан 77 фоизға, Янгибозор туманида эса 44 дан 75 фоизға етказиш кўзда тутилган, — дейди уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Алипошшо Аҳмедов. — Бунинг учун хусусий шерик томонидан туманлар ҳудудидаги барча истеъмолчилар ҳамда ичимлик сув тармоқлари қайта хатловдан ўтказилиб, сув тарқатиш иншоотлардаги кўп энергия сарфловчи ва эскирган ускуна, жиҳоз, қувурлар, насос агрегатларини тўлиқ алмаштириш йўлга қўйилмоқда. Аҳоли пунктлари ва хонадонларни ичимлик сув тармоқларига улаш, ичимлик сув объектлари ва истеъмолчиларга сув ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда Янгиариқ туманида 60 километр, Янгибозор туманида эса 35 километрдан ортиқ янги ичимлик сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудда юзаға келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор ва қисқа муддатда тўлиқ бартараф қилиш учун

Осиё тараққиёт банкининг хорижий мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган. У 25 йилга мўлжалланган бўлиб, дастлабки 3 йилда хусусий шерик томонидан янги ва замонавий оқова сув тозалаш иншооти қурилади ва 22 йил давомида фойдаланилиши ҳамда хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилади. Лойиҳани амалга ошириш орқали Наманган шаҳри ҳамда унга туташ туманлар аҳолисининг сифатли канализация хизматлари билан қамраб олиниши даражаси ҳозирги 10 фоиздан 70,3 фоизға етказилиши мўлжалланган.

Бу борадаги ишларни тизимли давом эттиришда Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим ўрин тутди.

— Унга асосан, сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифати, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш манбаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича илгор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий қилиш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган, — дейди Алипошшо Аҳмедов. — Шунингдек, мазкур қарор билан сув таъминоти ва канализация соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар тегишли шартнома имзоланган санадан бошлаб 3 йил муддатта ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва

қўрилган бу ҳаракатларнинг бари аслида кичкина коррупцияға қарши катта зарбадир.

Бу борада олий таълим энг оғир бўлинлардан бири эди. Шу вақтга қадар ушбу тизим “таниш-билиш ва пул бўлса, иш битадиган соҳа” сифатида одамлар онгига сингиб кетган. Мана, сўнгги йилларда бу соҳанинг коррупция аталмиш “темир занжири”га болта урилди. Ёшлар кўзидаги қувонч инқилобий қувонч ёшлари бўлди. Энди билим даргоҳларига илмға чанқоқ, ўқишға қизиқиши бор, интилувчан ёшларнинг қабул қилинаётганини кўриб, ғайратим янада

- кадрлар бўлими — кадрларға оид зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, ходимларнинг иш вақти ҳисобини юритиш;
  - маъмурий-ҳўжалик бўлими — ходимларға уйда ишлаш учун техник ва бошқа воситаларни бериш;
  - IT бўлими — ахборот хавфсизлиги ва махфийлик талабларига риёа этган ҳолда локал илчи тармоққа масофавий киришни таъминлаш.
- Буйруқда ишға жалб этилган ҳар бир бўлимига бажарадиган муйайн ишлар батафсил кўрсатилса, масъул шахсларда



Тил — миллат ғурури

# Она тилимизнинг қадри ва қаддини юксалтириш — барчамизнинг бурчимиз



**Умида БОЙЗОҚОВА,** қурилиш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Яқинда марказий телеканалларнинг бирида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуднинг 145 йиллиги муносабати билан ҳужжатли фильм суратланаётгани, аynи пайтда ушбу жараён Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қизғин давом этаётгани ҳақидаги хабар берилди.**

Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Бехбудий миллатпарвар, ватанпарвар ва тараққийпарвар шахс сифатида миллий тарихимизни безаб турган зотлардан саналади. Бехбудий миллий таълим, миллий мафкура, миллий тараққиёт асосларини пухта англаган ва миллатнинг маънавий раҳнамоси даражасига кўтарилган сиймодир. Миллий тафаккур миллий тилдан бошланади. Бехбудий дунёни ўзбек тафаккури билан англашни тарғиб қилган мутафаккир, миллат пешвоси, зиёлиларга йўл кўрсатган маърифатпарвардир. Ўзбек театри, ўзбек журналистикаси каби кўп жаҳонлар ривожига Бехбудийнинг ҳиссаси катта. У миллат зиёлиларини бир маслак — миллий тараққиёт йўлида бираштирашга интиланган.

Шунинг учун ҳам бу жиҳат буюк аждодимизнинг фожиали ўлимидан чуқур қайғуга ботиш Садриддин Айний, Чўлпон каби ижодкорларимизнинг Бехбудийга бағишланган маънавий-маърифий асарларида ёрқин ифодаланган.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида ёзган бир қатор мақолалари, мактаблар учун яратган дарсликлар мутахассислар томонидан ҳали етарлича ўрганилган эмас. Жумладан, буюк маърифатпарварнинг тил-имло масалалари, ўзбек адабий тили ва халқ жонли тили, яъни шева муносабатлари, адабий тилни шакллантириш, тилмизини ёт, яъни хорижий сўзлардан тозалаш, унинг софлигини сақлаб қолиш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, тадқиқот манбаи сифатида танлаш бўғунинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Зеро, XIX аср охири — XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий миллиятни маърифатга элтиш маъносига янги усулдаги мактаблар очиб ва бу мактаблар учун дарсликлар яратиш, матбуотни йўлга қўйиш ва шу орқали ўзбек миллий тилини шакллантириш, адабий тил меъёрларини яратишдек энг муҳим ишларга улкан ҳисса қўшган.

Айрим дарслик ҳамда тилшуносликка доир мақолаларида кўтарилган масалалар унинг зукко тилшунос бўлганини тўла исботлайди. Аллома "Икки эмас, тўрт тил лозим", "Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар", "Тил масаласи", "Сарт сўзи мажҳулдир", "Сарт сўзи маълум бўлмади" сингари мақолалар ёзди. Уларда Бехбудий ўз даврининг муҳим масалалари ҳусусида фикр юритишга ҳаракат қилди. Алломанинг "Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласи 1913 йилда ёзилган бўлиб, ўзи ташкил этган "Ойина" журналининг 1-сонидан чоп этилган. Мақола сарлавҳасидан кўриниб турибдики, муаллиф кўп тилни билиш ҳар биримиз учун муҳимлиги ва шу орқали дунёга чиқиш мумкинлигига урғу

берган. У ўзбек тилидан ташқари форс-тожик, араб, рус ва ҳатто Европа тилларидан бирини билиш кераклигини таъкидлайди. Хорижий мутафаккирларнинг қимматли асарларини ўқий олиш учун ҳам улар ижод қилган тилларни билиш маърифатли кишилар учун жоиз эканига урғу берган. Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон улқасида жуда қадимдаёқ уч тил амал қилгани, уларнинг бир-бирига таъсири мактаб ва мадраса асарларида ҳам кўрингани, шу боис, бундай ҳолатни ислоҳ қилиш кераклиги ҳақида ёзади. Мақолада Туркистон шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аҳолининг тили қайси тил экани ҳусусида ҳам диққатга молик фикрлар юритилган. "Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни тахсилсиз билуримиз. Ҳар туркий форсий ва ҳар форсий туркий билмоғи лозимдур". Бундан ташқари, мақолада рус ва фаранг тилларини ҳам билиш кераклиги ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар мавжуд: "Фаранг ва рус доғимондларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур...". Хорижий тилларни билишини Маҳмудхўжа Бехбудий сиёсий масала даражасига қўяди. Дарҳақиқат, тил сиёсатдир. Тил сиёсати бузилган жойда миллат ҳам таназзулга учрайди. Ҳар бир миллатнинг узлигини англашида, ёш авлодда миллий онг ва тафаккурни шакллантиришда тилнинг ўрни беқиёс.

Миллатлар ва халқлар орасида йиллар давомида ижтимоий, иқтисодий алоқалар бўлгани сингари уларнинг тиллари орасида ҳам худди шундай муносабатлар бўлиши табиийлигига урғу берган Бехбудий доғла ҳар қандай тил қўшни тиллардан сўз олиши табиийлигини айтиди: "Бегона тилдан сўз олмақдан қутулган тил йўқ". Аммо унинг меъёрини билиш лозим. Бехбудий 1915 йили "Тил масаласи" мақоласида арабчадан ўзбек тилига кўчган сўзларнинг кўпик шаклини, дейлик, "улум, фунун, уламо, куззо" тарзида эмас, балки ўзбек тили грамматикасига мос равишда "фанлар, илмлар, олимлар, қозилар" шаклида ёзиш кераклигини таъкид этади. Фикр ифодаси учун ҳамма вақт ёзма адабий тил баёни тушунарли бўлиши лозим, дейди.

Шунингдек, мақолада ўзбек тилининг имлоси ва адабий меъёрлари билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар ҳусусида фикр юритилган. Уша давр лингвистик адабиётларида таъкидланишича, форс ва араб тилларини энг кўп қабул қилган тил усмонли турк тили бўлган ва унда битилган нарсаларни фақат зиёли кишигина тушуна олган. Бу борада Бехбудий қуйидагиларни ёзади: "Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан

қўшулб, "усмонли тили" аталади. Ушбу уч тилни адабиёт ва қоидаларидан бохабар бўлмагунча усмонли шеvasинда ёзмоқ мумкин эмасдур...". Муаллифнинг фикрларидан шунинг англаш мумкинки, адабий тил жонли халқ тилидан озикланиши, шу асосда бойиб бориши баробарида асло халқ тилидан узоклашмаслиги зарур.

"Тил масаласи" мақоласида кун тартибига қўйилган масалалардан яна бири адабий тилни шакллантириш ва тараққий эттиришдир. Мақоланинг иккинчи қисми айнан шунга бағишланган. Бехбудий кундалик матбуот нашрлари чоп этилиб, халқ орасида кенг оммалашган жойда адабий тил нормалари муайян меъёрга кираётганини таъкидлайди. Бундан ташқари, матбуот тилининг ривожига халқ жонли тилдан устун даражада эканини уқтириб ўтади. Бехбудий матбуотга адабий тилни шакллантириш воситаси сифатида қарайди. "Тил масаласи" мақоласида тилимизга бошқа тиллардан ўзлашган сўз ва атамаларга муносабат ҳам акс этади. Тилимиз лексикасида катта қатламни ташкил этувчи форс-араб ўзлашмаларини янгилаш, уларни ўзбекчалаштириш масаласи XX аср бошларида маърифатпарварлар томонидан кескин бир тарзда кун тартибига қўйилган.

Бу масала атрофидаги баҳс-мунозараларда Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам даврининг илғор маърифатпарвари сифатида унга ўз муносабатини билдирган. Кўпчилик маърифатпарварлар ўзлашмалардан воз кечиш ва уларни туркийча сўзлар билан алмаштиришни кун тартибига қўйган бир пайтда Бехбудий бу соҳада шовша-шошарлик билан ҳукм чиқариш ярамаслиги, бундай ўта муҳим, мураккаб ишнинг амалга ошиши учун юз йиллаб вақт кераклигини уқтиради.

Худди шу мақолада асрлар давомида араб ва форс сўзларидан фойдаланиб келинган миллат тили луғатидан уларнинг чиқариб ташланиши ёмон оқибатларга олиб келиши таъкидланади. Олим воз кечилган сўзлар ўрнини бошқа бир ҳукмор тил сўзлари эгаллаши мумкинлигидан огоҳлантиради. Орадан йигирма йиллар ўтиб, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бу башорати ўз исботини топди ва кўп ўтмай тилимиздаги форс ва араб ўзлашмалар ўрнини русча сўзлар эгаллаш бошлади. Аллома бундай бўлишнинг эҳтидан кўра билган ва халқимизни ўз вақтида огоҳлантирган эди: "Бир неча минг санадан бери форсий ва араб тили ва маданияти ва салтанати таъсири остида қолган туркийни яна бир неча минг санада буларни ташкирдан чиқармоқ нари турсун, балки маънан ва моддатдан ва фаннан маҳкум миллатларни тили бўлган тилимизга тараққий этган миллатларнинг луғатлари ҳужум қилур". Шунинг учун ҳам бир тил элементларидан воз кечиш, иккинчи тил ва адабий тил муносабатлари, имло, орфоэпия ва орфография, пунктуация ва этимология масалалари юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамон ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган. Билас, янада кенг кўлаб касб этмоқда, десак адашмаган бўламиз.

Масалан, бироз аввал таъкидлаганимиздек, матбуот тили адабий тил ривожига муҳим аҳамиятга эга экани Бехбудий томонидан бот-бот таъкирланган. Буни ҳозирги журналистика соҳасига янги тармоқ сифатида интернет журналистикаси ҳам қўшилиб, янада кенг кўлаб касб этаётганида кўрамиз. Кундалик ҳаётимизда оддий холга айланган улғурган ижтимоий тармоқлардаги мулоқотимизни мисол қилайлик. Бугун аксарият юртдошларимиз китоб, газета ёки журнал ўқимаслиги мумкин, лекин кўпчилигимиз интернет нашрларини кузатамиз, ижтимоий тармоқларда фикрларимизни баён қиламиз, кимлар биландир ёзишмаларни амалга оширамиз. Бу борада "ғ" харфи ўрнига "г"ни, "қ" ўрнига "қ"ни, "ў"нинг ўрнига "у" харфини қўйлаш ёки шевада ёзиш ҳолатлари муҳим жиҳат эмасдек кўринади тўғи. Лекин катта йўллар, чорраҳалардаги ташқи рекламалар ва хаттоки айрим йирик ташкилотлар пештоқига илгинган ёзувлардаги имлоий хатолар қаердан пайдо бўляпти, деб ўйлайсиз?! Интернетда хато ёзувларни ўқийвериш киши онгига аста-секин бу ҳолатларни меъёрдагидек муҳрлай бошлайди. Кейин эса ўша меъёр ташкилот ва корхоналарнинг ички ҳужжатларига қўлади. Уларни эса интернетнинг фаол фойдаланувчилари бўлган ўша замондошларимиз ёзадилар. Муайян муддат ижро учун фойдаланган ҳужжатларга кўз мослашиб, адабий тил меъёрлари бузилади. Кўчалардаги эълонлар, ташқи рекламалар, йўл кўрсаткичлар кабиларда тил саводсизлиги кенг кўлаб ёзиб, янада оммалашиб бораверади.

Аммо заррадек туюлган арзимас ҳолатларда ҳам она тилимиз ва келажак авлод олдига масъуллигимизни унутмасак, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги қадри ва қадди асло букилмайди.



Китоб жавонингизга

## МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

**Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,** Республика Маънавият ва маърифат маркази ахборот хизмати ва мультимедиа бўлими мутахассиси

**Республика Маънавият ва маърифат маркази "Она юрт фидойилари" рукни остида миллат оидинларининг ҳаёти ва илмий фаолиятидан ҳикоя қилувчи, китобхонни улкан ижодий мерос дурдоналари билан яқиндан таништирувчи китобларни нашр этишни бошлаганидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак.**



Мазкур рукн остида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон тўра Иброт, Абдурауф Фитрат, Боту (Маҳмуд Ҳодиев) каби тараққийпарвар инсонларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳусусида олимлар томонидан ўрганилган, ҳали фақат баъзи китобхонга маълум бўлган жиҳатлари ушбу нашрларнинг қадр-қимматини янада оширади.

Давлатимиз раҳбари буюк аждодларимиз, хусусан, жадидлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг эзгу ғояларини замонамизга мос ҳолда давом эттириш борасида айтган фикрлари аynи масалада барчамизга дастурийлашма бўлиб келаётир. Жумладан, 2020 йил бошида Олий Мажлиси йўллаган Мурожаатномасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай деганди: "Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу борада бойлик қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб этади".

Уз вақтида "Бехбудия нашриёти"ни ташкил этиб, дарсликлар чоп этишни йўлга қўйган, миллатнинг юксалиши илм-маърифат билангина амалга ошаганини ич-ичидан чуқур англаган тараққийпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг танланган асарларидан таркиб топган китоб гапимиз аввалида таъкидлаганимиз — "Она юрт фидойилари" рукни остида нашр этилган тўпламларнинг илк намунаси. Китобни улкан илҳом ва иштиёқ билан нашрга тайёрлаган марҳум олимимиз, устоз адабиётшуносу Беғали Қосимов миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти вакилларининг асарлари, уларнинг илмий фаолиятини ўрганишда ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Бу олимнинг машаққатли меҳнати завзига аynи мавзу доирасида 15 га яқин китоб чоп этилди.

"Исҳоқхон Иброт шоир ва олим, ношир ва педагог, дин арбоби ва ислохотчи сифатида умрини




Ватан ва миллат манфаатига қаратди. Шу боис, унинг бой маданий мероси нанки мамлакатимизда, ҳатто яқин ва узоқ хорижда ҳам кенг ўрганилмоқда. "Мезон уз-замон" асарининг япон олимлари билан ҳамкорликда нашр этилиши, шеърларининг салмоқли сўзбоши билан Туркияда чоп этилиши ушбу фикрни қувватлайди", дейилади Исҳоқхон Иброт ҳақидаги китобнинг сўзбошида.

Мазкур китоб, уни нашрга тайёрловчилар таъкидлаганидек, аввалгиларидан анча фарқ қилади. "Биринчидан, шоирнинг шу пайтгача илм аҳлига маълум бўлмаган шеърлари аниқланиб, тўпламга киритилди. Иккинчидан, "Тарихи Фарғона" асарининг Исҳоқхон тўра Иброт ўз қўли билан китобга қилган дастхат нусхасидан Иноятхон Тўрақўрғоний кўчирган мўътабар қўлёзмаси асосидаги матни нашрга тайёрланди. Бу матн асарнинг аввали нашрдан анчагина фарқ қилади. Учунчидан, "Мезон уз-замон" асари жорий имлода биринчи марта нашр этилмоқда. Тўртинчидан, Исҳоқхон тўра Иброт публицистик мероси намуналари ҳам илк бор эълон қилинмоқда". Таниқли олимлар Улғубек Доғимов ҳамда Нурбой Жабборов таъкидлаган мазкур янги жиҳатлар китобни ўқишли қилиш билан бирга, аynи мавзуда илмий изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар учун ҳам кўмакчи қўлланма вазифасини ўташи мумкин.


Галдаги китоб Туркистон миллий уйғониш адабиётининг эътиборли вакилларида бири Абдулла Авлоний тўғрисида. Шоир, драматург, журналист ҳамда мохир мураббий сифатида элда шухрат қозongan бобомизга китобни нашрга тайёрловчи мохир тадқиқотчи олим Беғали Қосимов "оқ тонглари орзулаган шоир", дея таъриф беради.

Марказимиз Авлонийнинг танланган асарларининг икки жилдининг чоп этишни режа қилган. Ҳозир чоп этилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола



қилинган китобнинг биринчи жилди, асосан, шоирнинг шеърларидан, қолаверса, ҳажвия ва иброт мазмунидаги турли назмий асарларидан таркиб топган. Китобни тўплаб, нашрга тайёрлаган олим Беғали Қосимов маърифатпарвар бобомиз ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида тўхталибгина қолмай, унинг ижодини чуқур тадқиқ этган. Замон ва узоқ йиллик адабий аъёнларнинг янгилиниши нукта назаридан Авлоний назмига ўз муносабатини билдириб ўтган.

Маърифат тарафдори сифатида майдонга чиққан яна бир бобомиз Абдурауф Фитрат танланган асарларининг биринчи жилди "Она юрт фидойилари" рукни остида нашр этилган китоблар сағини мазмунан бойитган, дейиш



мумкин. Ўзининг "Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳи баёноти" каби асарлари билан Бухоро ва Туркистонда истиқомат қилган халқларнинг ижтимоий онги ўсишига ҳисса қўшган, "Юрт қайғуси" каби туркум шеърлари билан элни эрк ва озодлик учун қурашга чорлаган Абдурауф Фитратнинг илмий ва ижодий фаолиятини ўзида мужассам этиш беш жилдик мужмуанинг дастлабки жилдида шоирнинг шеърлари ва насрий асарлари эълон қилинди. Шунингдек, форс-тожик тилида битилган назмий асарлари ҳам китобхонлар эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлаймиз.

Китобни филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев нашрга тайёрлаган. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи академик, филология фанлари доктори Наим Каримов. Нашр учун масъул Миңҳожиддин Мирзо. Фитрат асарларининг "Маънавият" нашриёти томонидан чоп этилган аynи мажмуасидан тараққийпарвар бобомизнинг ҳозирга қадар матбуот юзини қўрмаган еки унутилган асарлари ҳам ўрин олиши режалаштирилмоқда.



"Она юрт фидойилари" рукни остида нашр этилган китобларнинг бешинчиси — Боту тахаллуси билан ижод қилган Маҳмуд Ҳодиевга оид бўлиб, шоирнинг шеърлари, достонлари, ҳикоялари, мақола ва таржима асарлари китобнинг мазмун-мундарижасини бойитиб турибди. Боту ҳақида эсдаликлар ва хотиралар ҳам шоир шахсияти ва ижодига қизиқувчи китобхон учун қимматли маълумотларни бера олиши билан қадрилли.

Мазкур китоблар орасида ҳозирда илк жилдлари чоп этилган Абдурауф Фитратнинг 2 жилд, Абдурауф Фитратнинг эса 5 жилд шаклда туркум қўринишида танланган асарлари нашр этилиши режалаштирилгани бошланган эзгу ишларнинг бардавом эканидан муҳтаб бормоқда.

Ҳар бир авлоднинг аждодлари ва ўзидан кейин келадиган янги авлодлар олдига баҳарли лозим бўлган вазифалари, мажбуриятлари бўлади. Бугунги миллат тафаккурининг қай маънода ривожланиши учун таҳликали даврга яшаганига қарамай, келгуси авлодлар, яъни биз учун ҳам ақлий, ҳам жисмоний куч-қувватини, бор имкониятини сафарбар этган, миллий уйғониш даврини бошлаган, миллиятни маърифатли, илмли қилиш йўлида жонини қурбон қилган, халқнинг хуриятга бўлган эҳтиёжини ҳис қила олган ва шу йўлда жабру ситам чеккан жадид боболаримиз олдидан энг улкан ва шарафли вазифамиз уларнинг амалга оширган ишларини ўрганиш, давом эттириш, кейингиларга ҳам етказишдир.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН**

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир: Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари

**Бахтиёр Абдусатторов**

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси — 236. Буюртма — 2132.**

42596 нусхада босилди.

**Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобоқ тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов

Мусахҳиж: Мафтуна Мингобоева

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:40 Топширилди — 00:10